



Tadjqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хукукий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



31 OKTYABR
№33

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 16 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

1. И.А.Каримов ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	7
2. Sirojov Nurmat Nusrat o'gli, Nuriddinov Jahongir Fazliddin O'g'li TIJORAT BANKLARIDA INNOVATSION MAHSULOTNING NAZARIY ASOSLARI	10
3. Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна ЯККА ТАРТИБДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ	12
4. Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯККА ТАРТИБДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ	14



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

И.А.Каримов

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги
Молия бўлими бош иқтисодчиси
Телефон: +998 90 996 09 96
karimovimomali3710@gmail.com

Аннотация: Бугунги кунда Ўзбекистонда Республикасида амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар инвестиция жараёнларининг фаоллашувини таъминлаётганда. Иқтисодиётда янги тармоқ ва соҳаларнинг йўлга қўйилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилиши, иш ўринларининг ташкил этилиши тобора кўпроқ маблағ ва ресурсларни жалб қилишни рағбатлантирмоқда. Ушбу мақолада мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестициялар самарадорлиги, хорижий инвестициялар, инвестор, ялпи ички маҳсулот, асосий капитал.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисmini назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳукукиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Ўзбекистонда 2019 йилда давлат бюджети маблағларининг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 7,6 % ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан бу 1,1% пунктга камайди. Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадлардаги манзилли инвестиция дастурини бажаришга йўналтирилди.

2019 йилнинг январь-декабрида давлат бюджети маблағларининг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган жами инвестицияларнинг 13,9 %, Тошкент (13,3 %), Самарқанд (12,0 %), Жиззах (11,0 %) ва Сирдарё вилоятларида (9,8 %) ўзлаштирилди.

Қуйидаги ҳудудлар бўйича тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан салмоқли инвестициялар ўзлаштирилди: Навоий вилоятида - жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 25,8 % , мос равишда, Самарқанд вилоятида – 22,3 %, Сирдарё вилоятида – 20,0 %, Фарғона вилоятида – 16,6% ва Андижон вилоятида – 16,1% (1-жадвал).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар жами республикада 2019 йил якунига кўра 189924,3 млрд. сўмни ташкил этди ва уларнинг технологик таркибида республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 43,3% ни, машина, ускуна ва инвентар сотиб олишга харажатлар – 49,2% ҳамда бошқа харажатлар улуши – 7,5% ни ташкил этди.



1-жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, %)								
		Республика бюджети	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар	Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	Тиклашни ва тараққиёт жамғармаси	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси
Ўзбекистон Республикаси ¹	189924,3	7,6	0,9	29,3	13,1	19,6	14,7	11,4	3,4	0,0
Қорақалпоғистон Республикаси	8434,6	13,9	0,7	38,0	5,7	9,8	14,9	13,4	3,6	-
вилоятлар:										
Андижон	8183,7	8,4	1,1	39,1	16,1	17,6	3,4	14,2	0,1	-
Бухоро	9867,0	7,6	1,0	25,4	12,7	23,6	8,5	20,8	0,4	-
Жиззах	7919,3	11,0	1,5	24,5	15,2	17,5	4,7	24,8	0,8	-
Қашқадарё	23525,3	3,5	0,7	21,5	3,3	24,0	40,8	6,2	0,0	-
Навоий	17775,3	2,4	0,4	15,4	25,8	3,5	33,1	2,3	17,1	0,0
Наманган	12187,0	4,7	0,7	36,0	11,7	8,0	22,9	12,7	3,3	-
Самарканд	9798,6	12,0	1,6	35,3	22,3	12,4	7,1	9,1	0,2	-
Сурхондарё	12232,4	5,4	1,1	19,1	12,6	50,4	4,9	6,5	-	-
Сирдарё	6129,2	9,8	1,4	21,9	20,0	34,5	10,5	1,5	0,4	-
Тошкент	16935,1	13,3	2,7	34,0	10,5	24,5	2,4	6,1	6,5	-
Фарғона	9164,2	7,2	0,8	36,5	16,6	26,4	1,5	10,7	0,3	-
Хоразм	5566,8	8,7	1,4	31,6	12,0	20,5	8,4	13,3	3,6	0,5
Тошкент ш.	41497,9	6,7	0,2	34,8	11,8	16,2	9,4	17,7	3,2	-

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши – 45,7 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг салмоқли улушлари Қашқадарё вилоятида – 71,0 %, Сурхондарё вилоятида – 61,8 %, Бухоро вилоятида – 52,9 %, Жиззах вилоятида – 47,0 %, Сирдарё вилоятида – 46,5 % ва Наманган вилоятида – 43,6 % кузатилди (2-жадвал).



2-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар

	Хорижий инвестиция ва кредитлар жами, млрд. сўм		Хорижий инвестиция ва кредитлар улуши, % да	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига нисбатан	жами асосий капиталга инвестицияларга нисбатан
Ўзбекистон Республикаси	86653,1	43854,0	100,0	45,7
Қорақалпоғистон Республикаси	3121,3	2362,2	3,7	38,1
вилоятлар:				
Андижон	2881,4	1434,2	3,3	35,2
Бухоро	5226,1	2863,1	6,0	52,9
Жиззах	3716,3	2222,3	4,3	47,0
Қашқадарё	16711,5	11043,9	19,3	71,0
Навоий	6902,3	6287,3	8,0	38,9
Наманган	5313,6	3629,5	6,1	43,6
Самарқанд	2799,8	1557,6	3,2	28,6
Сурхондарё	7557,6	1351,4	8,7	61,8
Сирдарё	2853	736,0	3,3	46,5
Тошкент	5595,2	1447,8	6,5	33,0
Фарғона	3538,2	829,3	4,1	38,6
Хоразм	2350,1	1118,0	2,7	42,2
Тошкент ш.	17995,7	6971,4	20,8	43,3

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

2019 йилнинг январь-декабрида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг Ялпи ички маҳсулотга нисбати 16,9 % ни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 9,5 % пунктга кўпайди.

Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ҳажмда ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш - жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 15,7 %и, овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш—3,2 %, тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 9,7 %, ташиш ва сақлаш фаолияти – 3,4 %, сув билан таъминлаш, канализация фаолияти – 1,4 %, ахборот ва алоқа фаолияти – 2,0 %, улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолияти – 1,9 %.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

2. Йиллик статистик тўплам. Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2020.



TIJORAT BANKLARIDA INNOVATSION MAHSULOTNING NAZARIY ASOSLARI

Sirojov Nurmat Nusrat o'g'li

Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti magistranti

+998 91 402 10 83

Nuriddinov Jahongir Fazliddin o'g'li

Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti magistranti

+998 93 230 73 37

Annotatsiya: Biz ushbu tezisimizda iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishi bugungi kunda ko'plab mamlakatlar tomonidan raqobatbardoshlikni ta'minlaydigan iqtisodiy o'sishning asosiy usullaridan biri sifatida qaralishini, O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining o'zgarishi va globallasuvi sharoitida innovatsiyalarning o'zni va ahamiyati ortib borishini, iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishi bugungi kunda ko'plab mamlakatlar tomonidan raqobatbardoshlikni ta'minlaydigan iqtisodiy o'sishning asosiy usullaridan biri sifatida qaralishini, yangi bank texnologiyalari - bu butun jahon iqtisodiyotini qamrab olgan yanada kuchli yangiliklar jarayonning bir qismi hisoblanishini ta'kidlab o'tganimiz.

Kalit so'zlar: innovatsiya, moliyaviy yangilik, yangi segment, investitsiyalar, sug'urta biznesi, moliyaviy lizing, trust operatsiyalar, tijorat qog'ozlari bozori.

Respublikamizda iqtisodiy islohotlarni o'tkazish tubdan yangicha yondashuvini, bunda sifat jihatidan yangi vazifalar hamda sharoitlarni, amaliy tajribani hisobga olishni, asosan o'z kuchiga tayanishni hayotning o'zi taqozo qilmoqda. Bu tub o'zgarishlar mamlakatimizning iqtisodiy sohalarini rivojlanishiga keng imkoniyatlar ochmoqda. Bu jarayonlarni yanada mustahkamlash respublikamiz tijorat banklarining zamonaviy mahsulot va xizmatlar baholash va samarali boshqarish rolini imkoniyat darajasida oshirishni taqozo etadi.

Moliyaviy sferada amal qiluvchi novatsiya moliyaviy novatsiya hisoblanadi. Moliyaviy novatsiyaning bir qismi bank tomonidan bank mahsuloti va operatsiyalari shaklida tashkil qilinadi. Bu bank novatsiyasidir.

Innovatsiya va innovatsiyaning roli haqidagi zamonaviy tushuncha uzoq tarixga ega. Bir davrdan ikkinchisiga o'tish davrida kredit tashkilotlari faoliyatida fan sifatida o'zni oshdi. Innovatsiya haqidagi iqtisodiy qarashlar qadim zamonlardan buyon mavjud.

Ko'pincha, mualliflar "yangilik" tushunchasiga har xil ma'no berishadi. Bundan tashqari, innovatsiya kontseptsiyasining ko'plab ta'riflari shuni ko'rsatadiki, tadqiqot ob'ekti va predmetiga qarab innovatsiyaning tizim (J. Shumpeter), natija (Yu.V. Vertakova, A.N. Folomiev), o'zgarish (BN. Kuzik va Yu.V. Yakovets), asbob (P.F. Drucker), jarayon (B. Tviss, B. Santo, A.V. Kostin va G. G. Azgaldov, D. Messi, P. Kintas, Ya Kuk va P. Myers), a. yangi mahsulot (A. Kazantsev va L. Mindeli), xarajatlarni kamaytirishga yordam beradi kabi atamalarni kuzatishimiz mumkin.

Shunday qilib, O.P. Molchanova, boshqa mualliflar singari, nafaqat innovatsion faoliyat natijasiga, balki, birinchi navbatda, innovatsion g'oyalarni amalga oshirish natijalariga, ikkinchidan, uni amaliyotda qo'llanishiga, uchinchidan, o'ziga xos ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan maqsad deb qarash mumkin.

A.N. Folomiev innovatsiyaning "ilmiy -texnik taraqqiyotning namoyon bo'lish shakli, shaxsning ijodiy intellektual mehnatining natijasi, uning faoliyatining barcha sohalarini yangilash bilan bog'liq" deb ta'riflaydi.

Shuni ta'kidlash kerakki, moliyaviy yangiliklarni ishlab chiqishning mahalliy amaliyoti jahon tajribasi va O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga asoslangan. Bu shuni anglatadiki, O'zbekiston Respublikasi kredit tashkilotlari qonunda nazarda tutilgan operatsiyalar va operatsiyalarni amalga oshirishdan qo'shimcha daromad olishlari mumkin. Masalan, jahon amaliyotida bank sektoridagi moliyaviy yangiliklarning odatda quyidagi turlari ajratiladi:

- yangi segmentlardagi mahsulotlar: ko'chmas mulkka investitsiyalar, sug'urta biznesi, moliyaviy lizing, trust operatsiyalari;
- tijorat qog'ozlari bozori, moliyaviy fyucherslar, moliyaviy imkoniyatlar, ro'yxatga olinmagan qimmatli qog'ozlar bozori;
- pul mablag'larini boshqarish va yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish;
- moliyaviy vositachilik xizmatlari. operatsion xarajatlarni kamaytirish va aktivlarni boshqarishni



yanada samarali qilishda majburiyatlar: depozit sertifikatlar, pul bozori depozit hisoblari;

- kredit kapitali bozorining an'anaviy segmentlarida yangi mahsulotlar: "o'zgaruvchan" foiz stavkasi bo'lgan vositalar, svoplar, chuqur chegirma bilan obligatsiyalar, ketma-ket obligatsiyalar.

Pul mablag'larini boshqarish va yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish bo'limiga nisbatan quyidagi innovatsiyalarni kiritishimiz mumkin.

- Internetda kredit arizasi. Hozirgi vaqtda bu xizmatni tijorat banklari ham, bank bo'lmagan kredit tashkilotlari ham taklif qilmoqdalar. Kredit olish uchun onlayn ariza mijozga vaqtni tejash imkonini beradi. Tizimli yangiliklar ishlab chiqarish munosabatlarining butun tuzilishidagi o'zgarishni belgilaydi

- "Ipak yo'li" ATBda keng qo'llaniladigan LEAN texnologiyasi (ingliz tilidan tarjimada. Lean - lean) kiradi. Bu yangilikning mohiyati butun ofis ishini optimallashtiradigan elektron navbatni joriy etish orqali navbatlarni kamaytirish edi.

Xulosa qilib biz aytishimiz mumkinki-bank sohasidagi innovatsion mahsulotlar nafaqat tijorat banklarining xizmat ko'rsatish bozorida o'rnini belgilab berishga, balkim uning o'rni tushib ketmasligi hamda yangi mijozlar e'tiborini tortishda juda nuhim amaliy ahamiyat kasb etishini anglashimiz mumkin, zeroki bugungi kunda tijorat banklarining muvaffaqiyat kaliti bo'lib ularning mijozlarga taqdim etishdagi mahsulotlarning bir-biridan farqlanishi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati :

1. Балабанов И.Т., Инновационный менеджмент, Питер, 2001;
2. Фоломьев А.Н., Экономика инноваций, РАГС, 2009.
3. Коробовой Г.Г., Банковское дело, Инфра-М, 2008.
4. Молчанов О.П., Инновационный менеджмент, Вита -Пресс, 2001.
5. <http://venture-biz.ru/tekhnologii-innovatsii/192-bankbudushego>.
6. <http://www.banki.ru/blog/yantipov>.



ЯККА ТАРТИБДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна

Қарши муҳандислик иқтисодий институти,
Ахборот ресурслар маркази директори.
feruzanorqobilova9111@mail.com

Аннотация: Худудаҳолисига яққал тартибда хизмат кўрсатишни рақамли технологиялардан фойдаланиб эмпирик моделини қуриш ва прогноз қилиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган. Худуд иқтисодий тизимни комплекс сонли эконометрик моделини тузишнинг математик аппарати ишлаб чиқилган.

Қашқадарё вилояти аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришни ўрта муддатли кўп вариантли сценарийлари комплекс сонли эмпирик моделлар асосида прогнозлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.

Худуд аҳолисига хизмат кўрсатишни прогнозлашнинг рақамли технологиялардан фойдаланиб эмпирик моделини қуриш ҳақида кўплаб мунозаралар бўлиб ўтди. Р.Аренс, Н.Р.Гудман ва Р.А.Вудингларнинг илмий изланишларида иқтисодий ўсишни прогноз қилишда комплекс сонли эконометрик моделларни қўллаш энг истиқболли усуллардан бири эканлиги таъкидланган. Статистик кузатувга эга бўлган регрессив комплекс сонли эконометрик моделларга ва комплекс сон ўзгарувчили функцияларга қизиқиш XX асрнинг 50–60 йилларида пайдо бўлган. Таварэс Г.Н., Таварэс Л.М. тадқиқотларида ҳам бу йўналишга эътибор қаратилган. Фақат 2004 йилда россиялик иқтисодчи олим С.Г.Светульников биринчи марта комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш назариясини яратган. Бу эса, комплекс сонли иқтисодий шаклланишига асос бўлган. Афанасьева А.А., Пономарева О.С. ҳамда Клейнер Г.Б.ларнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, «бундай ишлаб чиқариш функциялари, ишлаб чиқариш ресурсларини ишлаб чиқариш натижасига таъсирини тавсифлаш кўплаб амалий масалаларни ечишга ёрдам беради». Меркулов Т.В. ва Приходко Ф.И.ларнинг илмий – тадқиқотларида «Комплекс сонли эконометрик моделлаштиришнинг афзалликлари шундаки, улар ёрдамида ҳақиқий ўзгарувчили функциялар билан ечими топилмаган мураккаб масалаларни ечиш имкониятлари вужудга келади». Худуд тизимининг муҳим омили оптимал тартибга солиш назарияси ҳисобланади. Унинг фарқли хусусияти таҳлил қилиниб, минтақадаги иқтисодий жараёни тартибга солиш ва бошқариш муаммоларининг ҳамма мураккаб комплексини ҳал қилишда оптималлик принципини изчиллик билан қўллаш зарурлиги юзасидан тегишли илмий хулосалар берилган.

Машҳур америкалик тадқиқотчи П. Страссманнинг фикрига кўра, ахборот технологияларига инвестициялар хизмат кўрсатиш корхоналарининг маъмурий ва бошқарув харажатлари каби кўрсаткичлари билан энг кўп боғлиқдир. Ахборот воситалари ва технологиялари соҳанинг ички бошқарув харажатларини камайтириши мумкин.

П. Девид ўз асарларида ахборот технологиялари «умумий мақсадли технологиялар» эканлигини таъкидлайди. Шунга ўхшаш нуқтаи назарни Гарвард Бизнес Мактабининг профессори Г. Ловеман ҳам таъкидлайди. Ахборот технологиялари бошқа рақамли технологияларнинг ривожланиши учун потенциал яратади, аммо рақамли технологияларсиз мавжуд бўлмаган технологиялар, ўз-ўзидан улар тезда фойда келтирмайди. Ахборот технологиялари мавжуд хизмат кўрсатиш соҳа ташкилий жараёнларни такомиллаштириш ва мутлақо янги воситаларни жорий этиш учун платформани таъминлайди.

Замонавий муаллифларнинг асарларида хизмат кўрсатиш соҳасини ахборот технологияларининг жорий қилинишини баҳолашнинг бир қатор йўналишлари таъкидланган, уни қуйидаги таснифга ажратиш мумкин:

халқаро стандартлар асосида инвестиция лойиҳалари ва дастурларини баҳолашда классик методологиядан фойдаланиш;

факторнинг умумий натижага қўшилишини ҳисоблашда иқтисодий усуллардан фойдаланиш, маблағларни тежаш, молиявий кўрсаткичлар тизимини ҳисоблаш, тармоқлар бўйича кўрсаткичлар даражаси ва динамикасини баҳолаш (ахборот тизимидан



фойдаланишда);

эксперт баҳолаш усуллари қўллаш (фойдалилиги, истиқболлари, фойдаланиш имконияти, ахборот ресурсларидан фойдаланиш қулайлиги ва бошқалар);

ахборот ташхис усулларида фойдаланиш (тармоқметрия, вебометрия).

Шунга ўхшаш операцияни 527 йирик Америка фирмаларининг фаолиятини ўрганган Э. Бринолфссон ва Л. Хитш амалга оширганлар. Ушбу ёндашувда, муаллифларнинг таъкидлашича, қўшимча активлар (ахборот технологиялари таъсири остида ўзгарадиган активлар: ходимларнинг тажрибаси ва малакаси, алоқа воситалари ва технологиялари, қарорларни қабул қилиш сифати, бизнес жараёнларидаги ўзгаришлар ва бошқалар) муҳим рол ўйнайди. Вақт ўтиши билан рақамли технологияларини жорий этиш натижалари аста-секин, жами кўринишда намоён бўлади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳа тизимларининг мураккаблиги (ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган тизимлар) рақамли технологиялар ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Мураккаб объектларнинг ҳолати (самарадорлиги) ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни интеллектуал қайта ишлаш учун жавобгардир ва бошқарув қарорларининг танланишини таъминлайди.

Файдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Information Technology and the Corporation of the 1990s : research Studies / ed. by T. J. Allen, M. S. Scott Morton. New York ; Oxford : Oxford University Press, 1994.

2. Блиянц К. М. Особенности оценки эффективности информационных технологий в управленческой деятельности в АПК // Региональные проблемы преобразования экономики. 2016. № 1. С. 38—43.

3. Васильева Е. В., Деева Е. А. Оценка экономической эффективности конкурирующих ИТ-проектов: подходы и математический инструментарий // Управление. 2017. № 4(18). С. 40—46.

4. Ермакова Ж. А., Парусимова Н. И., Пергунова О. В. Оценка экономической эффективности информационно-коммуникационных технологий на промышленных предприятиях // Вестник ОГУ. 2014. № 1. С. 255—260.

5. Проектирование будущего. Проблемы цифровой реальности : тр. 1-й междунар. конф., Москва, 8—9 февр., 2018 г. М. : ИПМ им. М. В. Келдыша, 2018. 174 с.

6. Сагынбекова А. С. Цифровая экономика: понятие, перспективы, тенденции развития в России // Теория. Практика. Инновации. 2018. № 4. URL: <http://www.tpinauka.ru/2018/04/Sagynbekova.pdf> (дата обращения: 18.11.2018).



ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯККА ТАРТИБДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ

Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти,
Ахборот ресурслар маркази директори.
feruzanorqobilova9111@mail.com

Аннотация: Худудаҳолисига якка тартибда хизмат кўрсатишни рақамли технологиялардан фойдаланиб эмпирик моделини қуриш ва прогноз қилиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган. Худуд иқтисодий тизимни комплекс сонли эконометрик моделини тузишнинг математик аппарати ишлаб чиқилган.

Қашқадарё вилояти аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришни ўрта муддатли кўп вариантли сценарийлари комплекс сонли эмпирик моделлар асосида прогнозлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.

Рақамли (ахборот) технологияларнинг ривожланиши ҳозирги босқичда иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Мақолада худуд аҳолисига хизмат кўрсатиш сифатини прогноз қилишнинг эмпирик моделлар асосида ўрганиш ва прогноз натижалари таъкидланган.

Тадқиқотнинг мақсади “худуд аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақамли ахборот тизимидан» фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва прогноз қилишнинг эмпирик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот муаммоли худуд чегараларини аниқлаш ва таснифлаш учун таҳлил ва умумлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Прогнозлашнинг эмпирик моделини шакллантиришда ва унинг индивидуал элементларини тавсифлашда тизимли ёндашув ва рақамли ахборот технологияларидан фойдаланилган.

Рақамли технологияларнинг бугунги кунда Ўзбекистонда тарқалиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларини кенгайтириш ҳисобига худудларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш» вазифаси қўйилган.

Бу вазифаларни амалга оширишда, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида «...нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, худудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак» [1,2].

Сўнгги 30 йил ичида хизмат кўрсатиш соҳа фаолиятига ахборот техноло гияларининг таъсирини эмпирик моделлаштириш ва худуд иқтисодий тизимини оптимал бошқариш масалаларига хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида катта эътибор қаратилган. Бу соҳада хорижлик олимлардан М.Кейнс, Россиялик олимлардан В.М.Гранберг [5;14] Шу билан бирга, мамлакатимиз олимларининг ҳам тадқиқотларида худудлар иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш масалаларини айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, худудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари Х.С. Мухитдиновларнинг ишларида кўриб чиқилган [15]. Кўп йиллик тадқиқотларга қарамадан, иқтисодий тизим ривожланишини аниқ прогноз қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Файдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Lex.uz



2. ПФ-6079 «Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиялари» давлат дастури 5.10.2020 й
3. Введение в «цифровую» экономику / подобщ. ред. А. В. Кешелава. М. : ВНИИ Геосистем, 2017. 28 с.
4. Белых А. А. Основы методологии прогнозирования и оценки эффективности информационных систем // Научный журнал КубГАУ. 2011. № 71(07). URL: <http://ej.kubagro.ru/2011/07/pdf/42.pdf> (дата обращения: 10.10.2018).
5. Кейнс Дж. Избранные произведения. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1993. -436 с. Портер М. Международная конкуренция: пер. с англ. под ред. Щепшина В.Д. – М.: Международные отношения, 1993.-886 с
6. Strassmann P. The business value of computers. New Canaan : The Information Economics Press, 1990. 530 p..
7. David P. The dynamo and the computer: an historical perspective on the modern productivity paradox // The American Economic Review. 1990. Vol. 88. № 2. P. 355—361.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(9-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
